

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ ИЛМий-ТЕХНИКА МАРКАЗИ МЧЖ

СУЛТАНОВ МУРОДЖОН БАХТИЯРОВИЧ

**«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АЖ КОРХОНАЛАРИДА
ЭНЕРГЕТИК МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МОДЕЛ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02-Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРАТЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Султанов Муроджон Бахтиярович «Ўзнефтгазқазибчиқариш» АЖ корхоналарида энергетик менежмент жараёнларининг модел ва алгоритмлари.....	3
Султанов Муроджон Бахтиярович Модели и алгоритмы процессов энергетического менеджмента на предприятиях АК «Узнефтегаздобыча».....	23
Sultanov Murodjon Baxtiyarovich Models and algorithms of energy management processes at enterprises JSC «O'zneftgazqazibchiqarish».....	43
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works.....	46

**ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАН ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.T.07.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

«ЎЗБЕКЭНЕРГО» АЖ ИЛМИЙ-ТЕХНИКА МАРКАЗИ МЧЖ

СУЛТАНОВ МУРОДЖОН БАХТИЯРОВИЧ

**«ЎЗНЕФТЕГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АЖ КОРХОНАЛАРИДА
ЭНЕРГЕТИК МЕНЕЖМЕНТ ЖАРАЁНЛАРИНИНГ МОДЕЛ ВА
АЛГОРИТМЛАРИ**

05.01.02-Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРАТЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент-2019

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Т350 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация «Ўзбекэнерго» АЖ Илмий-техника марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим ахборот порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ишанходжаев Гайрат Кудратович техника фанлари доктори
Расмий оппонентлар:	Сафаров Тошпўлат техника фанлари доктори, профессор Арифжанов Абдулла Шамхатович техника фанлари номзоди
Етакчи ташкилот:	Тошкент давлат техника университети

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.07.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: tuit@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100202, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-65-44.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Р.Х.Ҳамдамов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Ф.М.Нуралиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

М.А.Рахматуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини самарали бошқариш, сарфларини камайтириш ва оқимларини назорат қилиш масалалари ечимларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. «European Energy Research Alliance ташкилоти томонидан олиб борилган илмий изланишлар натижалари шуни кўрсатдики, нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида ёқилғи-энергетика ресурсларни тақсимлаш ва истеъмол қилишдаги йўқотишларнинг аксарияти (90%гача) ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмол қилишга тўғри келади ва қолган 9-10% эса ёқилғи-энергетика ресурсларини узатишдаги йўқотишлар ташкил этади»¹. Бугунги кунда жаҳондаги йирик нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг устувор вазифаларидан бири бўлиб ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини самарали бошқариш, тежаш ва сарфларини назорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш ҳисобланмоқда. Жумладан Россия, АҚШ, Эрон, Ироқ, Бразилия, Норвегия, Мексика ва бошқа давлатлардаги нефт ва газ қазиб чиқарувчи корхоналари ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини самарали бошқариш, тежаш ва сарфларини назорат қилишга имкон берадиган бошқарув тизимининг модел, алгоритм ва дастурий воситасини яратиш устида тадқиқот олиб боришга катта эътибор қаратмоқдалар.

Жаҳонда ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини самарали бошқариш, тежаш ва сарфларини назорат қилиш муаммоларини ечиш, ёқилғи-энергетика ресурслари сарфларини оптимал режалаштириш, уларнинг оқимлари устида тезкор мониторинг олиб бориш ва олинган натижаларнинг иқтисодётни башоратлаш мақсадида фойдаланишга доир кўплаб илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, ёқилғи-энергетика ресурслари самарадорлигини ошириш муаммолари ечимларини ягона платформада бирлаштирувчи энергетик менежментнинг модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, улар асосида унинг ахборот тизимини яратиш, ҳамда нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарида қўллаш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Республикамизда ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини минималлаштириш ва уларнинг истеъмолини самарали бошқариш усулларини ишлаб чиқиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, бошқарув тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш»² вазифалари белгиланган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда ахборот-

¹ European Energy Research Alliance, <https://www.eera-set.eu>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

коммуникация технологияларидан фойдаланиб, энергетик менежментнинг функционал масалаларини тезкор ечадиган самарали модел, алгоритм ва дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, ҳамда нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарига тадқиқ қилиш муҳим масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 18 апрелдаги ПҚ-3673-сон «Идоравий ахборот тизимларини жадал интеграциялаштириш ва инновацион лойиҳаларни амалга оширишга доир ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, 2018 йил 19 февралдаги ПФ-5349-сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва 2017 йил 13 ноябрдаги ПҚ-3384-сон «Электр энергияси ва табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жадал жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Ўзбекистон республикасида фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳонда сўнги йилларда ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини камайтириш, улардан оқилона фойдаланиш ва истеъмолини самарали бошқариш масалалари бўйича кўплаб олимлар илмий-амалий тадқиқотлар олиб боришган. Жумладан, бундай масалалар И.А.Башмаков, P.W.O'Callaghan, S.D.Probert, E.A.Abdelaziz, K.Bunse, S.A.Ates, N.M.Durakbasa, R.Saidur, В.В. Бушуев, М.И.Яворский, А.А.Андріжевский, В.А.Гольстрем, Н.И.Данилов каби чет эл олимларининг илмий-амалий тадқиқот ишларида кўриб чиқилган.

Мамлакатимизда ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини тежаш ва улардан оқилона фойдаланиш масалалари бўйича Т.Х.Носиров, К.Р.Аллаев, Р.А.Захидов, Р.А.Ситдиқов, Т.С.Камалов, М.А.Короли, А.Ш.Шаисломов, А.А.Бадалов каби олимлар эса муносиб ҳисса қўшганлар. Шунингдек, ишлаб чиқариш корхоналарининг бошқарув тизимини автоматлаштириш, ҳамда бошқарув жараёнида ишончли қарор қабул қилиш имконини берадиган ахборот тизимларини ишлаб чиқиш бўйича М.Месарович, И.Такахара, Т.Саати, Н.П.Бусленко, Р.А.Алиев, В.К.Кабулов, М.М.Камилов, Т.Ф.Бекмуратов, О.М.Набиев, М.А.Исмаилов, Н.Р.Юсупбеков, Ш.Х.Фазилов ва бошқа олимлар илмий-амалий тадқиқот олиб боришган.

Ҳозирги кунгача энергетик менежментнинг жараёнларини ўзаро ахборотли боғлаган ҳолда самарали ва тезкор бошқариш масалаларининг модел, алгоритм ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти «Ўзбекэнерго» АЖ Илмий-техника

маркази илмий тадқиқот ишлари режасининг БВ-Атех-2018-75-«Ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида энергетик менежмент ахборот тизимини ишлаб чиқиш» (2017-2020), БВ-М-Ф4-005-«Кўпоғонали, тақсимланган Smart Grid энерготехник тизимларида бошқарув қарорлари қабул қилишни интеллектуал қўллаб қувватлаш усул ва моделлари» (2016-2020) ва ФА-А5-Ф052-«Ёқилғи-энергетика мажмуаси корхоналарида энергия тежалишини бошқаришнинг интеграллашган ахборот тизимини ишлаб чиқиш («Ўзнефтгазқазибчиқариш» АК мисолида)» (2015-2017) мавзуларидаги лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади энергетик менежментнинг функционал масалаларини ўзаро ахборотли боғлаган ҳолда оптимал ва тезкор ечишнинг модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш, ҳамда унинг ахборот тизимини яратиш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тизимли таҳлил назариялари асосида энергетик менежментнинг илмий-услубий асоси, ҳозирги ҳолати ва жараёнларини тадқиқ қилиш;

энергетик менежмент тизимини яратиш услубияти ва унинг жараёнларини такомиллаштириш;

энергетик менежментнинг ўзаро боғланган жараёнларининг функционал масалаларини самарали ечишнинг модел, алгоритм ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш;

энергетик менежментда ишончли ва тезкор қарор қабул қилиш учун иерархик таҳлил усулидан фойдаланиб, муаммони ечимларидан мақбулини аниқлашнинг модел ва алгоритмларини ишлаб чиқиш;

энергетик менежментнинг жараёнларини функционал масалаларини ўзаро ахборотли боғлашнинг инфологик IDEF1X моделини ишлаб чиқиш ва уларни тезкор ечиш учун реляцион модел ёрдамида ягона маълумотлар базасини яратиш;

энергетик менежментни ўзаро боғланган жараёнларининг ахборот тизимини яратиш ва амалиётга тадбиқ этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари бошқарув тизимидаги энергетик менежментнинг жараёнлари қаралган.

Тадқиқотнинг предмети ёқилғи-энергетик ресурсларини самарали ва тезкор бошқариш учун хизмат қиладиган энергетик менежментнинг жараёнларини модел, алгоритм ва дастурий воситаларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, математик дастурлаш, алгоритмлаш, иерархик таҳлил, математик моделлаштириш, оптималлаштириш, объектга йўналтирилган дастурлаш ва маълумотлар базасини лойиҳалаш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

энергетик менежмент тизимини яратиш услубияти ва унинг жараёнларидаги функционал масалаларини ечиш усуллари такомиллаштирилган;

энергетик менежментнинг ўзаро боғланган жараёнларининг функционал масалаларини самарали ечишнинг модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилган;

энергетик менежментнинг ўзаро функционал боғланган жараёнларини такомиллаштириш ва тезкор ишлашни таъминлаш алгоритмлари ишлаб чиқилган;

энергетик менежментда ишончли ва тезкор қарор қабул қилиш учун иерархик таҳлил усулидан фойдаланиб, муаммони ечимларидан мақбулини аниқлашнинг модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ишлаб чиқариш ҳажмини ва корхона бўйича ёқилғи-энергетика ресурслари сарфининг режавий кўрсаткичларини оптимал ҳисоблашнинг модел, алгоритм ва дастурий воситаси ишлаб чиқилган;

реал вақт режимида жамланган ёки тарихий (архив) маълумотларни чизма, жадвал ва диаграммалар кўринишида тақдим этишни таъминлайдиган дастурий восита ишлаб чиқилган;

нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари бошқарув тизимида ташқи ва ички омиллар таъсири натижасида юзага келган муаммони ечимларидан мақбулини аниқлашнинг модел, алгоритм ва дастурий воситаси ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги энергетик менежментнинг жарёнларини тадқиқот этишда тизимли таҳлил усулини тўғри қўллаш, бошқаришнинг тизим, модел ва алгоритмларини қуриш услубиятини такомиллаштириш, энергетик менежмент алгоритмларини таҳлил қилиш, оптималлаштиришни компьютер ёрдамида моделлаштириш, ҳамда яратилган дастурий воситаларни реал ишлаб чиқариш корхоналарида тажриба-саноат синовини ўтказилганда олинган натижаларнинг мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энергетик менежмент ахборот тизимини яратишнинг модел, алгоритм ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш, энергетик менежментнинг жараёнларини такомиллаштириш, жараёнлари ўртасидаги мос ахборотлар оқимини ташкил қилиш ва уларни қайта ишлаш самарадорлигини оширадиган ягона маълумотлар базасини яратиш, ягона тармоққа бирлашган турли поғоналардаги техник воситаларни ўзаро алоқасини таъминлаш, ҳамда нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг ёқилғи-энергетика ресурсларини режалаштириш, назорат қилиш ва тезкор бошқариш жараёнларини функционал масалаларини ечишнинг ўзаро боғланган усул, модел, алгоритмларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий аҳамияти ахборотни ошкоралиги, бошқарувчанлиги таъминлаш, тезкорлик билан режавий ва реал кўрсаткичларни таққослаш, салбий тафовутларни аниқлаш ва ушбу тафовутларни бартараф этиш учун ишончли бошқарув қарорларини қабул қилишда керак бўладиган ахборотларни тайёрлаш ва пировард натижада корхоналарнинг сифат кўрсаткичларини сезиларли даражада яхшилаш ва

уларнинг ишлаб чиқариш, ҳамда хўжалик фаолиятини самарадорлигини ошириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Диссертация ишида яратилган энергетик менежментнинг модел, алгоритм ва дастурий воситалари асосида:

корхона бўйича жами ва ҳар бир ишлаб чиқариш бўлимлардаги ёқилғи-энергетика ресурслари оқимини бошқариш, қурилма, ускуна, технологик линия ва қувурларнинг истеъмол қилиши мумкин бўлган ёқилғи-энергетика ресурсларининг меъёрий кўрсаткичларини аниқлаш, ҳамда ёқилғи-энергетика ресурсларидан фойдаланиш ҳолатлари тўғрисида тезкорлик билан ахборот берадиган энергетик менежментнинг дастурий воситаси “Ўзтрансгаз” акциядорлик жамияти қошидаги “Хўжаобод” газни ер остида сақлаш станциясида жорий қилинган («Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 20 февралдаги 04/09-103Ж-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида корхонадаги қурилма, ускуна, технологик линия ва қувурларнинг таъмирлашга бўлган эҳтиёжи 10%га ва уларга сарф бўладиган ёқилғи-энергетика ресурслари 5%га ошириш имконини берган;

ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини оптимал режалаштириш, реал истеъмол қилинаётган ёқилғи-энергетика ресурслари тўғрисида тезкорлик билан ишончли маълумотларни жамлаш, ташқи ва ички омиллар таъсирида аниқланган муаммоли ҳолатларнинг самарали ечимларини аниқлаш масалаларини ечишни амалга оширадиган энергетик менежментнинг модел, алгоритм ва дастурий воситалари «Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик жамияти корхоналарида жорий қилинган («Ўзнефтгазқазибчиқариш» акциядорлик жамиятининг 2019 йил 20 февралдаги 04/09-103Ж-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида нефт ва газ қазиб чиқариш корхонасида муаммоли ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш 14%га, маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф бўладиган ёқилғи-энергетика ресурслари 7%га ва бошқа харажатларни 3%га камайтириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 37 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларини асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 13 та мақола, 3 таси хорижий ва 10 таси республика журналларида нашр қилинган, ҳамда 7 та ЭҲМ учун яратилган дастурнинг расмий рўйхатдан ўтказилганлиги тўғрисида гувоҳнома олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, илмий ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга татбиқ қилиш, тадқиқот натижаларининг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини бошқариш жараёнининг тизимли таҳлили**» деб номланган биринчи боби ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини бошқариш жараёнларининг замонавий ҳолати ва уларнинг ривожланиш тамойилларини тизимли таҳлил қилишга бағишланган. Энергетик менежментнинг моҳиятини аниқлашга ва унинг техник-технологик, ишлаб чиқариш, иқтисодий, ташкилий-бошқарув, ижтимоий ва бошқа жиҳатларини тадқиқ этишга бағишланган ҳорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий тадқиқот ишлари тизимли таҳлил қилинган ва ўрганилган.

Энергетик менежмент - бу ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини самарали бошқариш, сарфини сезиларли даражада камайтириш, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти учун зарур бўладиган ёқилғи-энергетика ресурсларини етказиб бериш ва фойдаланиш жараёнини режалаштириш, ҳамда назорат қилишни бошқарадиган доимо ҳаракатланувчи тизимдир. Энергетик менежмент ўз навбатида *режалаштириш, амалга ошириш, текшириш* ва *қарор қабул қилиш* каби жараёнларни ўз ичига олади. Умумий ҳолда келтирилган жараёнларга асосланган энергетик менежмент услубиятини куйидаги кетма-кетлик ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$ЭМ = (ЭРЖ, АОЖ, НТЖ, ҚҚЖ)$$


бу ерда *ЭРЖ* - ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини режалаштириш жараёни; *АОЖ* - режалаштириш жараёнини корхона фаолиятида амалга ошириш жараёни; *НТЖ* - ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини назорат ва таҳлил қилиш жараёни; *ҚҚЖ* - энергетик менежментнинг жараёнларини такомиллаштиришга йуналтирилган қарорларни қабул қилиш жараёни.

Ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, энергетик менежмент бўйича олиб борилган кўпгина тадқиқот ишларида энергетик менежмент моделлари умумий (концептуал) кўринишга эга ва ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини самарали режалаштириш бўйича умумий тавсиялар берилган, энергетик менежментда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва воситаларидан фойдаланиш, ҳамда унинг жараёнларини бошқаришда ўзаро ахборотли алоқани таъминлаш масалаларига етарли даражада эътибор берилмаган ва самарали қарор қабул қилишга кўмаклашиш тизимларидан етарли даражада фойдаланилмаган.

Юқорида келтирилган муаммолар кўп киррали бўлиб, ахборотлар назарияси, ахборотларни қайта ишлашнинг статистик усуллари ва ёқилғи-энергетика ресурсларини истеъмолини бошқариш соҳасида тизимли тадқиқот олиб бориш билан боғлиқдир. Шу сабабли, аниқланган муаммоларни бартараф этиш мақсадида диссертация ишида энергетик менежментнинг модел, алгоритм ва дастурий воситаларини ишлаб чиқиш, ҳамда нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналарининг бошқарув фаолиятига тадбиқ қилиш тавсия этилади.

Диссертациянинг «**Энергетик менежментнинг меъёрлаштириш ва режалаштириш жараёнларининг модел ва алгоритми**» деб номланган иккинчи бобида энергетик менежментнинг услубияти ва унинг ўзаро ахборотли боғланган жараёнлари тузилмасини такомиллаштириш амалга оширилган. Ушбу бобда энергетик менежментнинг меъёрлаштириш ва режалаштириш жараёнларининг моделлари, меъёрлаштириш жараёнининг ягона маълумотлар базасини лойиҳалаштириш алгоритми, ҳамда режалаштириш жараёнидаги оптимал параметрлар қийматларини аниқлаш модел ва алгоритмлари келтирилган.

Диссертация ишида энергетик менежмент бўйича олиб борилган тизимли таҳлиллар натижасида «*меъёрлаштириш-режалаштириш-реал маълумотларни тезкор қайд этиш-маълумотларни тизимли таҳлил қилиш-қарор қабул қилиш*» жараёнларини ўз ичига олган энергетик менежмент услубиятини такомиллаштириш амалга оширилган (1-расм).



1-расм. Такومиллашган энергетик менежмент тузилмасининг чизмаси

Такомиллашган энергетик менежмент услубиятини қуйидаги кетма-кетлик ёрдамида ифодалаш мумкин:

$$ЭМ = (МЖ, РЖ, ТҚЖ, ТТЖ, ҚҚЖ)$$

i -ишалб чиқарилган маҳсулотнинг ҳажми; x_j - аниқланиши керак бўлган j -ёқилғи-энергетика ресурси сарфининг оптимал қиймати; n - ёқилғи-энергетика ресурслари сони; m - ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар сони ҳисобланади.

Математик дастурлаш масаласи кўринишида берилган маҳсулот таннархига таъсир этувчи ёқилғи-энергетика ресурслари сарфини минималлаштириш масаласини ечиш алгоритми қуйидагича бўлади:

1-қадам. Масалани ечиш учун бошланғич параметрларнинг қийматларини киритамиз, яъни n -аниқланаётган параметрларнинг қийматлари сони ва m -чекловлар сони.

2-қадам. Математик дастурлаш кўринишида берилган масаламизни каноник шаклда берилганлиги аниқланади. Агар масаламиз каноник шаклда берилмаган бўлса, у ҳолда уни каноник шаклга ўтказиш керак бўлади.

3-қадам. Бошланғич базис-жадвал аниқланади. Базис-жадвалда базис ўзгарувчилар, эркин ўзгарувчилар, озод ҳадлар ва мақсад функциямиз коэффицентларининг қийматлари берилади (1-жадвал).

1-жадвал

Бошланғич базис-жадвал

Базис	Ўзгарувчилар							Q_i
	x_1	x_2	...	x_n	x_{n+1}	...	x_{n+m}	
x_{n+1}	S'_{11}	S'_{12}	...	S'_{1n}	1	...	0	Q'_1
x_{n+2}	S'_{21}	S'_{22}	...	S'_{2n}	0	...	0	Q'_2
...
x_{n+m}	S'_{m1}	S'_{m2}	...	S'_{mn}	0	...	0	Q'_m
H_j	H'_1	H'_2	...	H'_n	0	...	0	Z'

4-қадам. Мақсад функциянинг H_j ўзгарувчининг қийматлари $H_j \leq 0$ шарт асосида текширилади. Агар шарт қаноатлантирилса, у ҳолда масаламиз ечимга эга ҳисобланади, акс ҳолда 5-қадамга ўтилади.

5-қадам. Базис-жадвалдаги етакчи устун аниқланади. Етакчи устун қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$x_{устун} = \max \{H_j\}, \quad j = 1, \dots, n + m$$

6-қадам. Етакчи устундаги қийматлар $S'_{iустун} \leq 0$ ($j = устун$) шарт асосида текширилади. Агар шарт қаноатлантирилса, у ҳолда мақсад функциямиз чексиз ва ечими йўқ ҳисобланади, акс ҳолда кейинги 7-қадамга ўтилади.

7-қадам. Базис-жадвалдаги етакчи сатр қуйидаги ифода ёрдамида аниқланади.

$$x_{сатр} = \min \left\{ \frac{Q_i}{S'_{iустун}} \right\}, \quad i = 1, \dots, m, \quad S'_{iустун} > 0$$

8-қадам. Базис-жадвалдаги ўзгарувчиларнинг қийматлари қайта ҳисобланади. Ўзгарувчилар қийматларини ҳисоблаш қуйидаги ифодалар ёрдамида амалга оширилади:

$$Q_{устун j}^+ = Q'_{устун j} / S'_{сатр\ устун}, S_{устун j}^+ = S'_{устун j} / S'_{сатр\ устун}$$

$$Q_i^+ = Q'_i - S'_{i\ устун} Q'_{сатр} / S'_{сатр\ устун}, S_{ij}^+ = S'_{ij} - S'_{i\ устун} S'_{сатр j} / S'_{сатр\ устун},$$

$$H_j^+ = H'_j - S'_{сатр j} H'_{устун} / S'_{сатр\ устун} \text{ ва } Z^+ = Z' - H'_{устун} H'_{сатр} / S'_{сатр\ устун}$$

Янги ҳисобланган ўзгарувчилар қийматлари асосида янги бошланғич базис-жадвал ҳосил қилинади (2-жадвал).

2-жадвал

Янги бошланғич базис-жадвал

Базис	Ўзгарувчилар							Q_i
	x_1	x_2	...	x_n	x_{n+1}	...	x_{n+m}	
x_{n+1}	S_{11}^+	S_{12}^+	...	S_{1n}^+	1	...	0	Q_1^+
x_{n+2}	S_{21}^+	S_{22}^+	...	S_{2n}^+	0	...	0	Q_2^+
...
x_{n+m}	S_{m1}^+	S_{m2}^+	...	S_{mn}^+	0	...	0	Q_m^+
H_j	H_1^+	H_2^+	...	H_n^+	0	...	0	Z^+

Сўнгра 4-қадамга ўтилади ва такроран янги бошланғич базис-жадвалдаги ўзгарувчи қийматлари устида 8-қадамгача бўлган ҳисоблашлар амалга оширилади.

Юқорида келтирилган амаллар кўйилган масаланинг оптимал параметрлар қийматларини аниқлангунга қадар, яъни 4-қадамдаги шарт бажарилгунга қадар давом этади. Оптимал параметрлар қийматлари аниқлангандан сўнг алгоритм тамомланади ва оптимал қийматларни чиқаради.

Диссертациянинг «**Энергетик менежментнинг реал маълумотларни қайта ишлаш ва қарор қабул қилиш жараёнларининг модел ва алгоритмлари**» деб номланган учинчи бобида реал маълумотларни тезкор қайд этиш ахборот тизимлари ёрдамида олинган маълумотлар сифатини баҳолаш мезонларининг моделлари, ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини бошқаришдаги умумий ҳатоликларни минималлаштириш масалалари ва бошқарув жараёнида аниқланган муаммоларнинг мақбул ечимини аниқлашнинг модел ва алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Бошқарув тизимида самарали, ишончли ва тезкор қарор қабул қилиш ахборот тизимлари ёрдамида қайд этилган маълумотларнинг сифатига боғлиқ. Энергетик менежментнинг ёқилғи-энергетика ресурслари тўғрисидаги реал маълумотларни тезкор қайд этиш жараёнида ахборот тизимлари ёрдамида қайд этилган маълумотларнинг сифатини баҳолаш мезонларининг моделлари кўриб ўтилган.

Маълумотлар сифатини баҳолаш кўрсаткичлари $[0;1]$ қийматлар оралиғида ўлчанади. Агар қиймат 0 бўлса, ёмон сифатли, 1 бўлса яхши сифатли маълумот бўлади. Маълумот сифатини баҳолашда қуйидаги шарт бажарилиши керак бўлади:

$$\forall \Delta_i > \varepsilon,$$

бу ерда ε , - маълумот сифатини баҳолашнинг берилган бошланғич қийматлари, Δ_i - i - мезон турлари асосида маълумот сифатини баҳолаш.

Маълумот сифатини баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

1. Маълумот тузилмасига мос келиш Δ_1 ва яхлитлиги Δ_2 мезонлари қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$\Delta_1, \Delta_2 = \begin{cases} 1 - \left(\frac{m-n}{m}\right), & n < m; \\ 1, & m \geq n, \end{cases}$$

бу ерда n - олинган маълумот пакетида қийматлари мавжуд атрибутлар сони, m -маълумот пакети учун маълумот тузилмасида кўрсатилган атрибутлар сони.

Агар ҳар бир i -атрибутга w_i вазни берилган бўлса, у ҳолда маълумот сифати Δ_1 ва яхлитлиги Δ_2 мезонлари қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$\Delta_1, \Delta_2 = \begin{cases} \frac{\sum_{i=1}^n w_i}{m}, & n < m; \\ 1, & m \geq n. \end{cases}$$

2. Маълумотнинг тўлиқлиги мезони Δ_3 ва ишончилиги мезони Δ_4 қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$\Delta_3, \Delta_4 = \begin{cases} 1, & n \leq n_a; \\ -\frac{1}{m} \cdot n + 1. \end{cases}$$

бу ерда n_a - мумкин бўлган бўшлиқлар сони; n - бўшлиқлар сони; m - кутилаётган қийматлар сони.

3. Маълумотларнинг фойдаланишга яроқлиги мезони Δ_5 ва маълумотларни ўз вақтида қабул қилиш мезони Δ_6 қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$\Delta_5, \Delta_6 = \frac{1}{1 + e^{b(\Delta t - l_a)}},$$

бу ерда Δt - сўров ва маълумотни қабул қилиш вақтлари ўртасидаги фарқ; l_a - рухсат этилган кутиш вақти.

Энергетик менежментнинг режалаштириш жараёнида ишлаб чиқилган режавий кўрсаткичлар асосида нефт ва газ қазиб чиқариш корхоналари тўғри фаолият юритаётганини назорат қилиш мақсадида бошқариш жараёнида умумий ҳатоликларни минималлаштириш масаласининг алгоритмлари ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритм қуйидагича ифодаланади:

1-қадам. ω_M мунтазамлик коэффициентларининг бошланғич қийматлари берилади.

2-қадам. Энг кичик квадратлар усули ёрдамида қуйидаги тенгламалар системаси ечилади:

$$\gamma_{it} = a_{i0}^* + a_{it} Q_{it}, \quad i \in [1; N_{ИЧБ}], t \in [1; N_t], \quad (1)$$

бу ерда Q_{it} - i - ишлаб чиқариш бўлимининг t - вақт оралиғида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми; γ_{it} - i - ишлаб чиқариш бўлимининг t - вақт оралиғида ўзгартирилган ёқилғи-энергетика ресурсларининг солиштирма сарфи қуйидагича аниқланади:

$$\gamma_{it} = \ln(S_{it}),$$

a_{i0}^* - ўзгартирилган a_{it} коэффициент қуйидагича аниқланади:

$$a_{i0}^* = \ln(a_{it});$$

$N_{ИЧБ}, N_t$ - ишлаб чиқариш бўлимлари ва вақт оралиғи сони.

(1) тенгламалар системаси қуйидаги экспоненциал боғлиқлик асосида олинган:

$$S_{it} = \exp(a_{i0} + a_{it} Q_{it}),$$

бу ерда S_{it} - i - ишлаб чиқариш бўлимининг t - вақт оралиғида ёқилғи-энергетика ресурсларининг солиштирма сарфи. Q_{it} - i - ишлаб чиқариш бўлимининг t - вақт оралиғида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

(1) тенгламалар системасининг ечими ҳар бир i - ишлаб чиқариш бўлими учун a_{i0}, a_{it} коэффициентларнинг қийматларидан иборат.

3-қадам. Мунтазамлик коэффициентлари a_0^r, a_i^r қуйидаги ифода ёрдамида ҳисобланади:

$$a_i^r = \frac{S_{iT} + a_{i1} ER_{iT}}{ER_{0T}^r}; \quad a_0^r = \ln(ER_{0T}^r) - \sum_{i=1}^{N_{ИЧБ}} a_i^r ER_{iT},$$

бу ерда S_{iT}, ER_{iT} - i - ишлаб чиқариш бўлими учун t_T даврдаги ёқилғи-энергетика ресурсларининг солиштирма ва умумий сарфлари; ER_{0T}^r - нефт ва

газ қазиб чиқариш корхонасининг t_T даврдаги умумий ёқилғи-энергетика ресурслари сарфи куйидагича аниқланади:

$$ER_{0T}^r = \sum_{i=1}^{N_{ИЧБ}} ER_{iT}$$

4-қадам. Гаусс усули ёрдамида тенгламалар системаси ечилади:

$$(1 - \omega_M) \sum_{j=0}^{N_{ИЧБ}} c_{ij} a_j + \omega_M a_i = (1 - \omega_M) d_i + \omega_M a_i^r, \quad i \in [0; N_{ИЧБ}], \quad (2)$$

c_{ij} ва d_i ўзгарувчилар куйидаги ифодалар ёрдамида аниқланади:

$$c_{ij} = M_t \{Q_{it}^P Q_{jt}^P\}, \quad d_i = M_t \{\ln(ER_{0t}^P) Q_{it}^P\},$$

бу ерда ER_{0t}^P - t - вақт оралиғида реал истеъмол қилинган ёқилғи-энергетика ресурслари кўрсаткичи; Q_{it}^P - i - ишлаб чиқариш бўлимида t - вақт оралиғида ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми.

(2) тенгламалар системасининг ечими ҳар бир i - ишлаб чиқариш бўлими учун a_i коэффициентларнинг қийматлари ҳисобланади.

5-қадам. Ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини бошқаришдаги умумий ҳатоликлар қийматлари 4-қадамда аниқланган a_i коэффициентларнинг қийматлари асосида куйидаги ифода ёрдамида аниқланади:

$$A_0^k = M_t \left\{ \left[\ln(ER_{0t}^P) - \sum_{i=0}^{N_{ИЧБ}} a_i Q_{it}^P \right]^2 \right\} \quad (3)$$

6-қадам. 5-қадамда ҳисобланган ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини бошқаришдаги умумий ҳатоликлар A_0^k олдинги ҳисобланган ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини бошқаришдаги умумий ҳатоликлар A_0^{k-1} билан солиштирилади. Агар $A_0^k < A_0^{k-1}$ бўлса, у ҳолда 7-қадамга, акс ҳолда эса 8-қадамга ўтилади.

7-қадам. ω_M мунтазамлик коэффициентлари қийматлари ўзгартирилади ва 4-қадамга ўтилади.

8-қадам. Олдинги ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини бошқаришдаги умумий ҳатоликлар ҳисоблаш жараёнидаги ўзгарувчилар қийматларига қайтилади ва алгоритм тамомланади.

Юқоридаги келтирилган алгоритм асосида масала ечилганда, (3) ифодадан аниқланаётган ёқилғи-энергетика ресурслари истеъмолини бошқаришдаги умумий ҳатоликлар қийматлари минимал бўлгандаги ҳар бир i - ишлаб чиқариш бўлимининг a_i коэффициентларнинг қийматлари каби натижаларга эга бўламиз.

Бошқарув жараёнларида ички ва ташқи омиллар таъсирида пайдо бўлган муаммо ечимларидан мақбулини аниқлаш учун иерархик таҳлил усулидан фойдаланган ҳолда махсус алгоритм ишлаб чиқилган. Ушбу алгоритм қуйидаги қадамлардан иборат:

1-қадам. 5, 7 ва 9 та экспертлардан иборат экспертлар гуруҳи ёрдамида мезонларнинг ва ҳар бир мезон бўйича ечимларнинг вазнлари 10 баллик баҳолар асосида аниқланади (4- ва 5-жадваллар).

4-жадвал

Мезонларнинг вазнларини аниқлаш бўйича экспертлар баҳолари

Мезонлар	Экспертлар баҳолари				
x_1	E_1	E_2	...	E_m	$\sum_1^m E / m$
x_2	E_1	E_2	...	E_m	$\sum_1^m E / m$
...	E_1	E_2	...	E_m	$\sum_1^m E / m$
x_n	E_1	E_2	...	E_m	$\sum_1^m E / m$

5-жадвал

Ҳар бир мезон асосида ечимларнинг вазнларини аниқлаш бўйича экспертлар баҳолари

x_n	Экспертлар баҳолари				
y_1	E_1	E_2	...	E_m	$\sum_1^m E / m$
y_2	E_1	E_2	...	E_m	$\sum_1^m E / m$
...	E_1	E_2	...	E_m	$\sum_1^m E / m$
y_m	E_1	E_2	...	E_m	$\sum_1^m E / m$

2-қадам. Мезонларнинг ва ҳар бир мезон бўйича ечимларнинг бири-бирига нисбатан устунликлари экспертлар гуруҳи ёрдамида аниқланган вазнлари асосида аниқланади ва матрица кўринишига келтирилади (6- ва 7-жадваллар).

6-жадвал

Мезонларнинг вазнлар бўйича бири-бирига нисбатан устунликлари

Мезонлар	x_1	x_2	x_3	...	x_n
x_1	x_1/x_2	x_1/x_2	x_1/x_3	...	x_1/x_n
x_2	$1/x_2$	x_2/x_2	x_2/x_3	...	x_2/x_n
x_3	$1/x_3$	x_3/x_2	x_3/x_3	...	x_3/x_n
...
x_n	$1/x_n$	x_n/x_2	x_n/x_3	...	x_n/x_n

7-жадвал

Ҳар бир мезон асосида ечимларнинг вазнларини бўйича бири-бирига нисбатан устунликлари

x_n	y_1	y_2	y_3	...	y_m
y_1	y_1/y_2	y_1/y_2	y_1/y_3	...	y_1/y_m
y_2	$1/y_2$	y_2/y_2	y_2/y_3	...	y_2/y_m
y_3	$1/y_3$	y_3/y_2	y_3/y_3	...	y_3/y_m
...
y_m	$1/y_n$	y_n/y_2	y_n/y_3	...	y_m/y_m

$$K^c = \begin{pmatrix} x_{11} & x_{12} & \dots & x_{1n} \\ x_{21} & x_{22} & \dots & x_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ x_{n1} & x_{n2} & \dots & x_{nn} \end{pmatrix}, \quad c = \overline{1, n}, \quad L^d = \begin{pmatrix} y_{11} & y_{12} & \dots & y_{1m} \\ y_{21} & y_{22} & \dots & y_{2m} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ y_{m1} & y_{m2} & \dots & y_{mm} \end{pmatrix}, \quad d = \overline{1, m};$$

3-қадам. Мезонлар ва ҳар бир мезон бўйича ечимларнинг устунлик векторлари қийматлари аниқланади:

$$x_i^c = e^{\frac{1}{n} \ln \prod_{j=1}^n x_{ij}} / \sum_{i=1}^n e^{\frac{1}{n} \ln \prod_{j=1}^n x_{ij}}, y_i^d = e^{\frac{1}{m} \ln \prod_{j=1}^m y_{ij}} / \sum_{i=1}^m e^{\frac{1}{m} \ln \prod_{j=1}^m y_{ij}}, d = 1, \dots, m, i = 1, \dots, n, j = 1, \dots, n$$

Аниқланган мезонлар ва ҳар бир мезон бўйича ечимларнинг устунлик векторлари қийматларини қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\vec{K}^c = \begin{pmatrix} x_1^c \\ x_2^c \\ \dots \\ x_n^c \end{pmatrix} \text{ ва } \vec{L}^d = \begin{pmatrix} y_1^d \\ y_2^d \\ \dots \\ y_m^d \end{pmatrix}$$

4-қадам. Аниқланган устунлик векторлари қийматлари асосида мезонлар ва ҳар бир мезон бўйича ечимларнинг максимал қийматлари аниқланади:

$$\lambda_{\max}^c = \sum_{i=1}^n x_i^c \sum_{j=1}^n k_{ji}, \lambda_{\max}^d = \sum_{i=1}^m y_i^d \sum_{j=1}^m l_{ji}$$

5-қадам. Аниқланган максимал қийматлари $\lambda_{\max}^c \geq n$ ва $\lambda_{\max}^d \geq m$ шарт асосида текширилади. Агар шарт бажарилса, у ҳолда кейинги қадамга ўтилади, акс ҳолда 1-қадамга борилади.

6-қадам. Максимал қийматлар асосида мезонлар ва ҳар бир мезон бўйича ечимларнинг мувофиқлик ва муносабат индекси қийматлари аниқланади:

$$IS^c = \frac{\lambda_{\max}^c - n}{n - 1}, IS^d = \frac{\lambda_{\max}^d - m}{m - 1} \text{ ва } OS^c = \frac{IS^c}{slind(n)}, OS^d = \frac{IS^d}{slind(m)}$$

7-қадам. $0 \leq IS^c \leq 20$, $0 \leq IS^d \leq 20$ ва $0 \leq OS^c \leq 20$, $0 \leq OS^d \leq 20$ шартлар асосида текширилади. Агар шарт қаноатлартирилса, у ҳолда кейинги қадамга ўтилади, акс ҳолда 1-қадамга борилади.

8-қадам. Ҳар бир мезон бўйича ечимларнинг устунлик векторлар қийматлари асосида матрица ҳосил қилинади:

$$Y = (\vec{L}_1^d, \vec{L}_2^d, \dots, \vec{L}_m^d) = \begin{pmatrix} y_{11}^d & y_{12}^d & \dots & y_{1n}^d \\ y_{21}^d & y_{22}^d & \dots & y_{2n}^d \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ y_{m1}^d & y_{m2}^d & \dots & y_{mn}^d \end{pmatrix}$$

9-қадам. Ҳар бир мезон бўйича ечимларнинг устунлик вектор қийматлари асосида ҳосил қилинган матрицани мезонларнинг устунлик вектор қийматларига кўпайтирилиб глобал векторлар аниқланади:

